

Кўз теккан одамга муолажа

10:09 / 21.06.2018 5929

Савол:

Ассалому алайкум! Саволим шундан иборатки, биз яшайдиган тарафларда бирор бир нарсага ёки инсонга кўз текканда, агарда ўша кўзи теккан инсонни кимлигини билишса унинг уйи атрофидан тупроқ, кичикроқ таёқчалар ва ҳатто бир бўлак латта олиб келиб исириқ билан бирга тутатишади. Шу қанчалик тўғри? Ва агарда тўғри бўлмаса далиллар билан келтирсангиз зеро ўз яқинларимни бу йўлдан қайтариш осонроқ бўлсин. Жавоб учун олдиндан раҳмат.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Буларнинг барчаси нотўғри. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси муборакларида "Кўзи бор одам кўзи теккан инсонга таҳорат қилиб тушган сувни берсин. Кўз теккан уни устидан қуйсин" деганлар.

لَا أَقْمَلُ سَوْءَ لَعْنَةِ الْجَلْدِ لِصَّيِّبِنَ لَوْلَا نَعْنُ عُنُوجُ الْجَلْدِ يَضْرَبُ رَعِيْبًا نَقَبًا
قَبَّاسٌ يُشَنَّاكَ وَلَوْ يُذَمَّرْتَلْ أَوْ مَلْسُ مَدَارُو. عَعَبْرَالْ أَوْرُقُ حُنْيَعْلِ
يَفْلَسُغْلَانَايَبَو. أُولَسْغُفْ مُتْلَسْغُتْسَا إِذْ أَوْ نُيَعْلَا هَتْ قَبَّسَلْ رَدَقْلِ
هَيْدِي وَهَجُو نَائَعْلَا لَسْغِي: يَتَالْ أَلْ نَابِحْ نَبَاوِي نَائَسْلَانْ أَوْ دَمْحَاتِي ح
حَدَقِي فُءَامْلَا غُصُوي وَهَمْ سَجَلَفْسَا لِي هَتْ رُسْ نَمَوِي نَقْفَرْمَلْ يَلْ
نُذَابُ أَرْبَيَفْ حَدَقْلَا أَفْ كِي مَتْ هَرْهَطُو هَسْ أَرْعَلْ عُنْيَعْلَا لَعْنَةُ بَصُوي وَ
لَلْ

[Абу Хурайра](#) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кўз тегиши ҳақдир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Муслим ва Термизий:

«Агар бирор нарса қадардан ўтадиган бўлса, албатта, кўз тегиши ўтар эди. Қачонки сиздан ғулга ёрдам сўралса, ғулга ёрдам беринг», дедилар»ни зиёда қилганлар.

Аҳмад, Насайй ва Ибн Ҳиббонларнинг ҳадисида ғуслнинг баёни қуйидагича:

«Кўзи теккан киши юзини ва икки қўлини чиғаноғи билан ювади. Кейин киндигидан жисмининг пастигача ювади. Сувни қадаҳга қуйиб туриб, кўз текканнинг бошидан ва елкасидан қуйилади. Сўнгра қадаҳ тўнкариб қуйилади. Аллоҳнинг изни ила тузалиб кетади».

Шарҳ: Шу жойда аввало кўз тегиши ҳақида бир оз тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Баъзи тоифалар, хусусан, замонамиз моддапарастлари кўз тегиши деган нарсани умуман инкор қиладилар. Улар бу гапни бидъат, дейдилар. Аммо барча элат ва миллатларнинг оқиллари кўз тегишини инкор қилмайдилар. Биз, мусулмонлар учун бу ҳақдаги билим шариатимиз таълимотларидир. Ана шу нарсалардан баъзиларини ҳозир ўрганмоқчи бўлиб турибмиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кўз тегиши ҳақдир», дедилар».

Яъни бу нарсани инкор қилиб бўлмайди. Агар бир оз ақл ишлатилса, тадаббур қилинса, бу масала ойдинлашади.

Аллоҳ таоло инсонларнинг жисмларида ва руҳларида турли қувватларни яратгандир. Баъзи жисмларга заҳар таъсир қилмайди. Ҳозирда ҳам заҳарли илонлар ёки чаёнлар ичида ухлайдиган, уларга ўзини чақтирса ҳам мутлақо таъсирланмайдиган кишилар ҳақидаги хабарлар тез-тез чиқиб туради. Шунга ўхшаш Аллоҳ таоло фаройиб хусусиятли жисмга эга қилган турли бандаларни кўп учратамиз.

Шунингдек, Аллоҳ таоло кишиларнинг руҳий қобилиятларини ҳам турли қувватларга эга қилиб яратган. Кўпчилик оддий ҳолатда бўлса ҳам, баъзи кишилар одатдан ташқари руҳий қувватга эга бўладилар. Оқил инсон руҳий таъсирни ҳеч инкор қилмайди. Бу оддий ҳақиқатдир. Бир одам ўзи уяладиган одамнинг ўзига назар солиб турганини сезса, ўз-ўзидан юзи қизара бошлайди. Баъзи одамлар ўзи қўрқадиган одамнинг ўзига тикилиб турганини сезса, ўз-ўзидан юзи оқариб кетади. Шундай пайтда таъсирланган одамнинг эс-ҳуши йўқолиб, қуввати кетиб, оёғи қалтираб қолишига нима дейсиз?

Ҳайвонлар ичида илонларнинг баъзи турлари ана шундай таъсирга эга. Ўзи тегмаса ҳам, чақмаса ҳам, назари билан таъсирини ўтказиши мумкин. Бу халқ ичида «илон авраши» дейилади. Бундай илонлар нафақат ўзи учун ов ҳисобланган ҳайвонларга, балки, кези келганда инсонларга ҳам таъсирини ўтказади. Ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи тушишига, баъзида инсонларнинг кўзига зарар етишига сабаб бўлади.

Шундай бўлганидан кейин инсонлардан маълум руҳий қувватга эга

бўлганлари ўзлари узоқдан туриб, бош–қаларга таъсир ўтказиши мумкин эмасми? Одамларга қараб туриб, ухлатиб қўядиган, турли ҳаракатлар қилдирадиган кишиларни ҳамма кўриб, билди-ку!

Ана шундай ишларнинг бўлиши учун фақат жисм жисмга тегиши ёки яқиндан тикилиб қараш шарт эмас. Балки, кўзи тегадиган киши кўр бўлиши ҳам мумкин. Унга бир киши васф қилинганда ундаги ҳасад руҳи ёмонлик ила қўзиса, мазкур кишига кўзи тегиши мумкин. Аслида кўз тегишининг асосида ҳасад бор.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб: **«Ва кофирлар зикрни эшитаётганларида сени кўзлари билан тойдирмоқчи бўладилар ва «Албатта, у мажнундир», дерлар»**, деган («Қалам» сураси, 51-оят).

«Кўз билан тойдириш»нинг икки хил маъноси бор.

Биринчиси – адоват ва душманлик назари билан ҳақ йўлдан тойдириш, адаштириш. Кофирлар Пайғамбар алайҳиссаломга маънавий зарар етказишни хоҳлаганлар.

Иккинчиси – кўз теккизиш билан Пайғамбар алайҳиссаломга жисмоний зарар етказиш, у кишини йиқитиш, ҳалок қилиш маъноси.

Бу оятнинг нозил бўлиши сабаблари ҳақидаги ривоятларга кўра, мушриклар Қурайш қабиласига кўзи (назари) бор бир кишини олиб келиб, Пайғамбар алай–ҳиссаломга ёмон кўз билан қаратиб, зарар етказмоқчи бўлганлар. Бундай кўзли одамлар Бани Асад қабиласида бўлар экан. Агар улардан бирортаси семиз туяни кўрганда ёмон кўз билан қараб қўйиб, «Ҳой қиз, идишни олиб бориб, манавининг гўшtidан олиб кел», деса, туя тезда касал бўлиб, йиқилар, эгаси уни сўйиб юборишга мажбур бўлар экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Агар бирор нарса қадардан ўтадиган бўлса, албатта, кўз тегиши ўтар эди», деганлари ҳам шунга ўхшаш нарсаларнинг бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Кўз тегиши, ундан баъзи кишиларнинг зарарланиб, хаста бўлиб қолиши мумкинлиги баён қилинганидан кейин уни даволаш васфига ўтилмоқда.

«Қачонки сиздан ғулга ёрдам сўралса, ғулга ёрдам беринг».

Имом Термизийнинг зиёдаларида келган бу жумланинг маъносини тўғри тушуниш мақсадида кўз тегишининг давоси учун қилинадиган ғулнинг баёни келган имом Аҳмад, Насай ва Ибн Ҳиббонлар ривоят қилган ҳадисни ўрганишимиз лозим:

«Кўзи теккан киши юзини ва икки қўлини чиғаноғи билан ювади. Кейин киндигидан жисмининг пастигача ювади. Сувни қадаҳга қуйиб туриб, кўз текканнинг бошидан ва елкасидан қуйилади. Сўнгра қадаҳ тўнкариб қуйилади. Аллоҳнинг изни ила тузалиб кетади».

Демак, кўзи теккан одамдан ғуслга ёрдам бериши сўралади. У юзини ва икки қўлини чиғаноғи билан ювади. Кейин киндигидан жисмининг пастигача ювади ва ўша сувни кўз тегиб, хаста бўлган кишига беради. Бемор ўша сув билан [ғусл](#) қилса, Аллоҳ таолонинг изни ила тузалади. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан). Валлоҳу аълам!